

**Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Маъмурий ишлари
бўйича судлов ҳайъати томонидан 2023 йилнинг учинчи
чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича
суд амалиёти обзори**

Ўзбекистон Республикаси “Судлар тўғрисида”ги Конунининг 29-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг “Суд амалиёти обзорларини тайёрлаш ва эълон қилиш тўғрисида”ги 2018 йил 27 июлдаги РС-44-18-сонли қарорининг 2-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Олий суднинг Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан 2023 йил учинчи чорагида кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатида 2023 йил учинчи чорагида кассация шикоятлари (протестлари) асосида 400 та иш кўрилган бўлиб, шундан 323 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган, 69 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилинган, 2 таси бўйича суд ҳужжатлари ўзгартирилган, 6 та иш юзасидан кассация шикоятлари бўйича иш юритиш тугатилган.



Суд ҳужжатлари бекор қилинган 69 та ишдан 35 таси бўйича қуий судларнинг суд ҳужжатлари бекор қилиниб, янги қарор қабул қилинган, 3 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш юритиш тугатилган, 1 таси бўйича суд ҳужжатлари бекор қилиниб, ариза қўрмасдан қолдирилган, 17 таси бўйича суд қарорлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун қуий судларга (шундан, 1 таси биринчи инстанцияга, 16 таси апелляция инстанциясига) юборилган ҳамда 14 та иш бўйича апелляция инстанцияси судининг қарори бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўз қучида қолдирилган.

Жами 69 та бекор қилинган



Судлов ҳайъати томонидан кассация инстанциясида кўрилган ишларнинг 11 таси (1 та бекор қилинган ишлар қўс ичда акс эттирилган) Қорақалпоғистон Республикаси, **25 таси (7 та)** Андижон вилояти, **23 таси (7 та)** Бухоро вилояти, 16 таси Жиззах вилояти, 32 таси (7 та) Қашқадарё вилояти, 9 таси Навоий вилояти, 14 таси (3 та) Наманган вилояти, **39 таси (12 та)** Самарқанд вилояти, 14 таси (2 та) Сирдарё вилояти, 9 таси (2 та) Сурхондарё вилояти, 49 таси (5 та) Тошкент вилояти, 41 таси (5 та) Фарғона вилояти, 39 таси (8 та) Хоразм вилояти ва 79 таси (10 та) Тошкент шаҳри судларига тўғри келган.

Таҳлиллардан кўринишича, 2023 йил учинчи чорагида кассация инстанциясида кўрилган ишларнинг асосий қисмини маҳаллий ҳокимликларга нисбатан (кўрилган ишларнинг 176 таси ёки 44 фоизи) кўрилган ишлар ташкил этиб, уларнинг аксарият қисми ер муносабатларидан келиб чиқадиган низолар билан боғлиқ. Шунингдек, солиқ текширувлари натижасида қабул қилинган қарорларни низолашиб билан боғлиқ ишлар сони ҳам қўпайган.

Суд амалиёти обзорини тайёрлаш натижаларидан кўринишича, судлар томонидан айрим ишларни кўришда Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси ва бошқа қонун хужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорлари тушунтиришларига риоя қилинмаслиги, иш ҳолатлари тўлиқ аниқланмаслиги, иш хужжатлари тўлиқ ўрганилмаслиги, моддий ва процессуал хуқуқ нормаларининг нотўғри қўлланилиши ёки бузилиши суд қарорларини бекор қилинишига олиб келмоқда.

Жумладан, Андижон, Бухоро ва Самарқанд вилояти маъмурий судларида бошқа судларга нисбатан процессуал қонунчилик талабларига риоя қилмаслик, моддий қонунчилик талабларини нотўғри қўллаш ҳолатлари қўпроқ учрамоқда.

Натижада кассация инстанциясида кўрилган мазкур судларнинг деярли ҳар учтадан битта қарори бекор қилинган.

Қашқадарё вилояти ва Тошкент шаҳар маъмурий судларида солиққа оид оммавий-ҳуқуқий низолар бўйича иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўлиқ аниқланмаслик ҳолатлари нисбатан кўп учраса, Андижон, Самарқанд ва Хоразм вилояти маъмурий судларида эса, ер муносабатларига оид қонунчилик нормалари нотўғри қўлланилиши ҳолатлари мавжуд.

Бундай ҳолат қолган вилоятлар судлари фаолиятида ҳам кузатилади.

Муайян ишлар бўйича суд қарорлари бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига асос бўлган ҳолатлар қўйидаги ишлар мисолида келтирилади:

Процессуал ҳуқуқ нормаларини қўллаш амалиёти

Ишда иштирок этувчи шахсларни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тартибда хабардор қилинмаслиги қўпол процессуал хатолик ҳисобланиб, суд қарорини бекор қилишга асос бўлади.

Самарқанд туманлараро маъмурий судининг 2023 йил 16 январдаги ҳал қилув қарорига кўра, А. МЧЖнинг жавобгар Тойлоқ туман ҳокимининг 2021 йил 5 апрелдаги 124қ-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси қисман қаноатлантирилган.

Самарқанд вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2023 йил 3 апрелдаги қарори билан ҳал қилув қарори қисман ўзгартирилган.

Апелляция инстанцияси суди томонидан ишни кўришда процессуал ҳуқуқ нормалари бузилган.

Жумладан, мазкур иш бўйича Тойлоқ туман ҳокимлиги жавобгар ҳисобланса-да, ҳокимлик ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда огохлантирилмаган ва иш жавобгар вакилининг иштирокисиз кўриб чиқилган.

Шунингдек, биринчи инстанция судининг 2022 йил 27 декабрдаги ажрими билан ишга учинчи шахс сифатида фуқаро Б. ва Самарқанд вилоят кичик саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекцияси жалб этилган бўлиб, апелляция инстанцияси суди ишни кўришда уларнинг иштирокини таъминлаш, ишни кўриш вақти ва жойи ҳақида тегишли тартибда хабардор қилиш чораларини кўрмаган ва ишни уларнинг иштирокисиз кўриб чиқсан.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 125-моддаси биринчи қисмига кўра, агар суд маъмурий суд ишларини юритиш иштирокчиси ўзига юборилган ажримнинг кўчирма нусхасини олганлиги ёки ушбу Кодексда назарда тутилган бошқа усуlda хабардор қилинганлиги тўғрисида суд мажлиси бошлангунига қадар маълумотларга эга бўлса, ушбу иштирокчи тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади.

Мазкур Кодекс 244-моддаси тўртинчи қисмининг 2-бандига асосан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини, апелляция инстанцияси судининг қарорини ҳар қандай ҳолда бекор қилиш учун ишнинг суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинмаган бирор-бир ишда иштирок этувчи шахс йўқлигида кўрилганлиги асос бўлади.

Шу сабабли, Олий суд Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2023 йил 5 июлдаги қарори билан апелляция инстанцияси судининг қарори бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун апелляция инстанцияси судига юборилган.

5-1401-2106/1039-сонли иш

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 217-моддасига асосан биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори тўлиқ ҳажмда текширилмаслиги апелляция инстанцияси қарорининг бекор бўлишига асос бўлади.

Қарши туманлараро маъмурий судининг 2022 йил 1 ноябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, А. хусусий корхонасининг Қашқадарё вилоят солик бошқармасининг 2022 йил 18 августдаги “Камерал солик текшируvida аниқланган соликқа оид хуқуқбузарликлар тўғрисидаги материалларини қўриб чиқиш натижалари бўйича” қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси қаноатлантиришдан рад қилинган.

Қашқадарё вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2023 йил 11 апрелдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, Қашқадарё вилоят солик бошқармасининг 2022 йил 31 майдаги 20-00628-kt-сонли буйруғига асосан А. хусусий корхонасининг 2020 йил январь-декабрь ойлари (12 ой) фаолиятида қўшилган қиймат солиги тўғри ҳисобланиши ва бюджетга тўланиши бўйича камерал солик текшируви ўтказилган.

Жавобгар томонидан солик тўловчи, яъни аризачи хусусий корхонасида ўтказилган камерал солик текшируvida аниқланган соликқа оид материалларни қўриб чиқиш натижалари бўйича жами 588 013 800 сўм солик ва тўловлар ҳисобланган.

Биринчи инстанция суди низолашилган қарорни ҳақиқий эмас деб топишга асос бўладиган бирор-бир далилни судга тақдим этилмаганлиги асосида аризани қаноатлантиришдан рад этган бўлиб, апелляция инстанцияси суди ҳал қилув қарори билан келишиб, уни ўзгаришсиз қолдирган.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 217-моддасига кўра, суд ишни апелляция инстанциясида кўриш чоғида биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қонунийлигини ва асослилигини текширади.

Суд янги далилларни текшириши ва янги фактларни аниқлаши мумкин. Апелляция инстанциясининг суди биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ ҳажмда текшириши шарт.

Бироқ, апелляция инстанцияси суди ушбу талабга амал қилмасдан, иш бўйича далилларни тўлиқ муҳокама қилмасдан, солиқ текшируви Солиқ кодекси талаблари асосида ўтказилганлиги важи билан ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида асослантирилмаган холосага келган.

Шу сабабли, Олий суд Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2023 йил 15 сентябрдаги қарори билан апелляция инстанциясининг қарори бекор қилиниб, иш янгидан қўриш учун шу инстанция судига юборилган.

5-1801-2205/1097-сонли иш

Иш ҳолатларининг тўлиқ аниқланмаганлиги, мазкур суд қарорларининг бекор қилинишига асос бўлади.

Андижон туманлааро маъмурий судининг 2021 йил 6 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан Андижон вилояти фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг А. фермер хўжалиги манфаатида Избоскан туман ҳокими 2018 йил 15 мартағи 398-Қ-сонли қарорининг фермер хўжалигига тегишли қисмини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилган.

Андижон вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2022 йил 19 июлдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, Избоскан туман ҳокимининг 2016 йил 16 майдаги 369-Қ-сонли қарори билан “Избоскан” массивида жойлашган А. фермер хўжалигининг жами 6,1 гектар ер майдони туман захира ерлари ҳисобига қайтарилилган ва фермер хўжалигининг ихтиёрида жами 3,84 гектар ер майдони қолдирилган.

Избоскан туман ҳокимининг 2018 йил 15 мартағи 398-Қ-сонли қарори билан Б. Масъулияти чекланган жамиятига “Избоскан” ва бошқа массивлар худудидан туман захира ерлари ҳисобидан қўшимча 57,43 гектар ер майдонлари 30 йил муддатга ижара хуқуқи билан ажратиб берилган ва жамиятнинг жами ер майдонлари 100,76 гектарни ташкил қилган.

Аризачи ушбу қарордан норози бўлиб, судга ариза билан мурожаат қилган.

Биринчи инстанция суди А. фермер хўжалиги билан туман ҳокимлиги ўрталарида 9,94 гектар ер майдони бўйича ижара шартномаси тузилиб, шартнома 2006 йил 22 декабрда давлат рўйхатидан ўтказилганлиги, низо кўрилган вақтда ушбу шартнома бекор қилинмаганлиги, фермер хўжалигининг ихтиёрида қолдирилган 3,84 гектар ер майдони ундан тегишли тартибда олиб қўйилмасдан учинчи шахсга бериб юборилганлиги асосида аризани қаноатлантирган.

Апелляция инстанцияси суди ушбу хulosалар билан келишган.

Бироқ, жавобгар вакили томонидан кассация инстанциясига тақдим қилинган туман ҳокимининг 2018 йил 20 февралдаги 314-к-1-сонли қарорига кўра, тарафлар ўртасида тузилган ер ижара шартномаси бекор қилинган бўлиб, фермер хўжалигининг жами 3,40 гектар ер майдони туман захирасига қайтарилиган ва туман ҳокимининг 2006 йил 22 декабрдаги 457-К-сонли қарорининг А. фермер хўжалигига тегишли қисми ўз кучини йўқотган. Ушбу қарор қонунийлиги юзасидан низолашилмаган.

Бинобарин, мазкур қарор билан А. фермер хўжалигининг низоли ер майдонига нисбатан ҳуқуқи бекор қилинганлиги сабабли Избоскан туман ҳокимининг 2018 йил 15 мартағи низолашилаётган 398-Қ-сонли қарори (Б. Масъулияти чекланган жамиятига оид) фермер хўжалигининг ҳуқуқларини бузмайди.

Куйи инстанция судлари иш учун аҳамиятга эга бўлган ушбу ҳолатлар аниқланмаганлиги, фермер хўжалигининг ер майдонларини туман захирасига қайтариш ҳақидаги ҳоким қарори тегишли органлардан талаб қилиб олмаганликлари оқибатида иш бўйича нотўғри хulosага келганлар.

Шу сабабли, Олий суд Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2023 йил 22 сентябрдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, аризани рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

5-1701-2105/488-сонли иш

Маъмурий орган зиммасига мажбурият юклаш талаби судга тааллуқли бўлмай, балки суд томонидан қўлланиладиган ҳуқуқни тиклаш усули ҳисобланади.

Урганч туманлараро маъмурий судининг 2022 йил 4 апрелдаги ҳал қилув қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармасининг А. МЧЖ манфаатида Хива шаҳар ҳокимининг 2018 йил 21 июлдаги 1246-сонли қарори ижросини таъминлаш мажбуриятини юклаш ҳақидаги аризаси қаноатлантиришдан рад этилган.

Хоразм вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2022 йил 12 майдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 26, 27-моддаларига кўра, маъмурий судга маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тааллуқли бўлиб, бунда ариза предмети ушбу органлар томонидан қабул қилинган маъмурий ҳужжатлар ёки улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ҳисобланади.

Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари деганда, қарор шаклида ифодаланмаган бўлса ҳам, бироқ манфаатдор шахслар ҳуқуқлари ва эркинликларини бузилишига олиб келган ёки уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари амалга оширилишига тўсқинлик қилган юридик аҳамиятга эга фармойишлар тушунилади.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиши бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 24-сонли қарорининг 6-бандида тушунириш берилган.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 189-моддаси бешинчи қисмига кўра, қарор ҳақиқий эмас, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) қонунга хилоф деб топилган тақдирда суд тегишли органнинг ёки мансабдор шахснинг зиммасига қонунга мувофиқ қарор қабул қилиш ёки муайян ҳаракатларни амалга ошириш ёхуд аризачининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг бузилишларини бошқача усулда бартараф этиш мажбуриятларини юклайди.

Мажбурият юклаш ҳақида талаб маъмурий суд ишларини юритища ариза предмети бўлмай, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 189-моддасига асосан суд томонидан қўлланиладиган ҳуқуқни тиклаш усули бўлиб ҳисобланади.

Шундай бўлса-да, биринчи инстанция суди аризачининг ушбу талабини мазмунан кўриб процессуал ҳуқуқ нормаларини бузган.

Апелляция инстанция суди ҳам биринчи инстанция суди томонидан йўл қўйилган ушбу хатога эътибор қаратмасдан, шикоятда келтирилган важларга баҳо бериб, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида қарор қабул қилган.

Шунга кўра, мазкур иш судловга тааллуқли эмаслиги сабабли Олий суд Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2023 йил 25 августдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, ариза бўйича иш юритиши тугатиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Шартнома бўйича вакилнинг суд ҳужжати устидан шикоят қилиш ваколати мавжуд бўлмаганлиги, суд томонидан эса бунга эътибор қаратилмаганлиги суд қарорини бекор қилишга сабаб бўлади.

Тошкент шаҳар маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2022 йил 4 апрелдаги қарори билан бекор қилиниб, янги қарор билан аризани қаноатлантириш рад этилган Тошкент туманлараро маъмурий судининг 2022 йил 8 февралдаги ҳал қилув қарорига кўра, фуқаро А. ва бошқаларнинг Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармасининг 2021 йил 7 августдаги 24437-сонли “Савдо дўкони” биносини “кўп тармоқли майший хизмат кўрсатиш мажмуаси ваофис” сифатида ихтисослаштириб, бузиб қайта қуришга рухсат берувчи хулосасини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилган.

Аниқланишича, ҳал қилув қарори устидан учинчи шахс Б.нинг ишончли вакили С. томонидан апелляция шикояти берилган ва шикоят у томонидан имзоланган.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 62-моддаси иккинчи қисмига кўра, шартнома бўйича вакиллик қилувчининг суд ҳужжати устидан шикоят қилиш ваколати ваколат берувчи томонидан берилган ишончномада маҳсус кўрсатилган бўлиши керак.

Апелляция шикоятига Юнусобод тумани хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ф. томонидан 2022 йил 22 январда расмийлаштирилган учинчи шахс Б.нинг С.га берган ишончномаси нусхаси илова қилинган бўлиб, унда С.га Б. номидан суд ҳужжати устидан шикоят қилиш хукуқи назарда тутилмаган.

Бундай ҳолатда апелляция инстанцияси суди Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 210-моддаси биринчи қисми 1-бандига мувофиқ апелляция шикоятини қайтариши, ушбу ҳолат апелляция шикояти иш юритишга қабул қилинганидан кейин аниқланганда эса, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 213-моддаси биринчи қисмига асосан, апелляция шикоятини кўрмасдан қолдириши лозим бўлса-да, апелляция инстанцияси суди апелляция шикояти бўйича ишни мазмунан кўриб, процессуал хатоликка йўл қўйган.

Шу сабабли, Олий суд Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2023 йил 24 августдаги қарори билан апелляция инстанцияси судининг қарори бекор қилиниб, апелляция шикояти кўрмасдан қолдирилган.

Ер муносабатларига оид қонунчиллик нормаларини қўллаш амалиёти

Маъмурий хужжатни қабул қилиш, ҳаракатни амалга ошириш тартибига риоя қилмаслик, факат, башарти бу ҳолат унинг қонунийлигига таъсир қилган ҳолдагина, аризани қаноатлантириш учун асос бўлиши мумкин бўлиб, буни инобатга олмаслик моддий ҳуқуқ нормасини нотўғри қўллаш сифатида суд қарорини бекор қилишга асос бўлиши мумкин.

Аризачи З. судга мурожаат қилиб, Бухоро туман ҳокимининг 2021 йил 28 июлдаги 22-2-32-Q/21-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни сўраган.

Бухоро туманлараро маъмурий судининг 2022 йил 7 ноябрдаги ҳал қилув қарори билан аризани қаноатлантириш рад этилган.

Бухоро вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2022 йил 20 декабрдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, аризани қаноатлантириш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Аниқланишича, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 декабрдаги 991-сонли қарорига мувофиқ Бухоро туман ҳокимининг 2019 йил 20 мартағи 1469-сонли қарори билан З.га Бухоро тумани, “Работак” МФЙ, Работак қишлоғи ҳудудидан хусусий мактаб биноси қуриш учун қишлоқ хўжалигига фойдаланилмайдиган 0,51 га ер майдони доимий фойдаланиш учун ажратилган.

Мазкур қарор прокурор протести асосида низолашилган қарор билан бекор қилинган.

Биринчи инстанция суди аризачига ер участкаси қонунга зид равища ажратилган, уч йил давомида қурилиш ишлари бажарилмаган, судга мурожаат қилиш муддати узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборилган деб ҳисоблаб, аризани рад этиш ҳақида холосага келган.

Апелляция инстанцияси суди жавобгар томонидан қарор қабул қилинишида маъмурий тартиб-таомиллар бузилган, аризачига ўз эътиrozларини мажлисда билдириш имконияти яратилмаган, қарор нусхаси унга юборилмаганлигини инобатга олиб, судга мурожаат қилиш муддати ўтказиб юборилмаган деб ҳисоблаб, аризани қаноатлантириш ҳақида холосага келган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 декабрдаги 991-сонли қарори Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг тизимидағи муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинган бўлиб, унда мактаб соҳасини, хусусан хусусий мактаб учун ер майдони ажратишга оид тартиб мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги “Халқ таълим мини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5538-сонли Фармонининг учинчи бандида нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотларига бериш учун бўш ер участкалари (ҳар бир ҳудудда йилига 50 лотдан кам бўлмаган) рўйхатини тасдиқлаш ҳамда ушбу ер участкаларини “E-AUKSION” электрон савдо платформаси орқали реализация қилиш белгиланган бўлиб, туман ҳокимининг 2019 йил 20 марта ги 1469-сонли қарори билан аризачига 0,51 гектар ер майдони хусусий мактаб биноси қуриш учун аукционсиз, тўғридан-тўғри ажратиб берилган.

Прокурор томонидан туман ҳокимлигига киритилган протестда ҳам аризачига ер участкаси қонун ҳужжатлари талабларига зид равишда қабул қилинганлиги сабабли уни бекор қилиш сўралган бўлган.

Бироқ, ҳокимлик томонидан мазкур протест қўриб чиқилишида маъмурий тартиб-таомилларга риоя этилмаган бўлиб, айнан ушбу ҳолат апелляция инстанциясининг холосаларига асос бўлган.

Шу билан биргаликда, Олий суд Пленумининг “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида” 2020 йил 24 декабрдаги 24-сонли қарорининг 20-бандида тушунтирилишча, қарор қабул қилиш, ҳаракатни амалга ошириш тартибига риоя қилмаслик, фақат, башарти бу ҳолат унинг қонунийлигига таъсир қилган ҳолдагина, аризани (шикоятни) қаноатлантириш учун асос бўлиши мумкин.

Ушбу тушунтиришлардан келиб чиқиб, апелляция инстанцияси томонидан низолашилган қарор қабул қилинишида маъмурий тартиб-таомилларга амал қилинмаганлиги унинг мазмунига таъсир қилмаслиги инобатга олинмасдан, фақат шу асос билан мазмунан тўғри бўлган суд қарори бекор қилинган.

Шу сабабли, Олий суд Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2023 йил 11 июлдаги қарори билан апелляция инстанцияси судининг қарори бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилган.

5-2001-2202/764-сонли иш

2021 йил 1 августрдан бошлаб туман ва шаҳар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни белгилаш, эътироф этиш, ўзгартириш, бекор қилиш билан боғлиқ ваколатлари тугатилган бўлиб, бу масалага оид қонун талабларини нотўғри қўллаганлик суд қарорининг бекор қилинишига сабаб бўлади.

Самарқанд туманлараро маъмурий судининг 2022 йил 9 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан Самарқанд вилоят Адлия бошқармасининг фуқаро А. манфаатида Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2022 йил 8 июнданги 175-7-106-Q/22-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси қаноатлантиришдан рад қилинган.

Самарқанд вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2022 йил 20 октябрдаги қарори билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг 2008 йил 23 июлдаги 391-Қ-сонли қарори билан Каттақўрғон шаҳри, Устабоев кўчаси 104-ҳовли-жойга нисбатан Ш. номига эгалик хукуқи тан олиниб, эгалланган ер майдони умрбод фойдаланишга бириклирлган.

Каттақўрғон шаҳар прокурорининг протестига асосан ушбу қарор низолашилган қарор билан бекор қилинган.

Биринчи инстанция суди Каттақўрғон шаҳар ҳокимининг низолашилган қарори қонунга мувофиқ ҳолда чиқарилган ҳамда манфаатдор шахс А.нинг хукуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаган деб баҳолаб, аризани қаноатлантиришни рад қилиш ҳақида асоссиз хulosага келган.

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ушбу хulosаси билан келишган.

Бироқ судлар томонидан низога нисбатан қонун нормалари нотўғри қўлланилиши оқибатида асоссиз хulosага келинган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июнданги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган хукуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6243-сон Фармони билан 2021 йил 1 августдан бошлаб туман ва шаҳар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ер участкаларига бўлган хукуқларни белгилаш, эътироф этиш, ўзgartериш, бекор қилиш билан боғлиқ ваколатлари бекор қилинган.

Каттақўрғон шаҳар ҳокимлиги томонидан эса Ер кодекси ва юқоридаги Фармон талабларига зид равища, мазкур масалани кўриб чиқиш ҳақида вилоят ҳокимлигига мурожаат қилинмасдан, тўғридан-тўғри ерга бўлган хукуқни бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилинган бўлиб, судлар томонидан бу ҳолатга эътибор қаратилмаган.

Шу сабабли, Олий суд Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2023 йил 11 августдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилинган.

Бошқа моддий ҳуқуқ нормаларини қўллаш амалиёти

Маъмурий тартиб-таомилларга мувофиқ маъмурий хужжат асослантирилган, унда барча ҳақиқий ва юридик асослар келтирилган бўлиши лозим бўлиб, бу талабларга эътибор бермаслик суд қарорини бекор қилишга асос бўлади

Нурафшон туманлараро маъмурий судининг 2023 йил 8 февралдаги ҳал қилув қарорига кўра, “А” Масъулияти чекланган жамиятининг Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2022 йил 25 ноябрдаги 03/145-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилган.

Тошкент вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2023 йил 4 апрелдаги қарори билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, аризани рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

Биринчи инстанция суди маъмурий орган жарима қўллашга асос бўлган ҳолатларни исботлаб бера олмаганлигидан келиб чиқиб, аризани қаноатлантирган.

Апелляция инстанцияси эса аризачи ўз важларини исботлаб бера олмаган, низолашилган қарор қонунчиликка мувофиқ деб ҳисоблаб, аризани рад этган.

Аниқланишича, жавобгар томонидан олиб борилган ўрганишлар давомида “А” Масъулияти чекланган жамияти бюджет ташкилотлари, пахта хом ашёси ва ғалла ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотларга 2020 йил 1 майдан 2022 йил 1 июлга қадар бўлган даврда жами 16 927,577 тонна дизел ёқилғи маҳсулотлари етказиб берилганлиги, бироқ нарх белгилашда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 28 октябрдаги 239-сонли қарори талабларига риоя этилмаганлиги оқибатида жами 16 890 991 986,258 сўм истеъмолчилардан ортиқча ҳақ олганлиги маълум бўлган.

Натижада, низолашилган қарор қабул қилиниб, аризачи Вазирлар Маҳкамасининг қайд этилган қарори билан тасдиқланган Низом 36-бандининг иккинчи хатбоиси талабларини бузган деб топилган ва ортиқча олинган пул маблағлари истеъмолчиларга қайтарилиши, уларни аниқлаш имкони бўлмагандан “Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармаси” хисоб рақамига ўтказиб берилиши бўйича кўрсатма берилган.

Шу билан биргаликда, низолашилган қарорда баён қилинган сумманинг келиб чиқиши асослари келтирилмаган.

Ваҳоланки, “Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида”ги Қонун 54-моддасининг биринчи қисмига кўра, маъмурий хужжатнинг асослантирувчи қисмида қабул қилинган маъмурий хужжатнинг барча ҳақиқий ва юридик асослари келтирилиши керак.

Бундай ҳолатда, низолашилган қарорда “А” Масъулияти чекланган жамияти хўжалик юритувчи субъектлари қайси даврларда қанча суммадан нефт маҳсулотларини сотиши лозимлиги ва амалда қанчадан сотганлиги кўрсатилиши, ушбу суммани асоссиз олинган даромад деб ҳисоблаш, аризачи ҳавола қилган қонунчиликни қўлламаслик сабаблари қарорда тўлиқ қўрсатилиши лозим бўлган бўлса-да, қарор ноаниқ бўлиб, мазкур сумманинг кенгайтирилган ҳисоб китоблари акс эттирилмаган.

Шунингдек, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 67-моддаси учинчи қисмига кўра, исботлаш мажбурияти қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашилаётган маъмурий органларнинг ва мансабдор шахсларнинг зиммасига юклатилади. Маъмурий органлар ва мансабдор шахслар ўз эътиrozларига асос қилиб келтираётган фактларни ҳам тасдиқлаши шарт. Мазкур шахслар қарор қабул қилишда, ҳаракатларни содир этишда фақат ўзи таянган асосларни келтириши мумкин.

Шунга қарамай, апелляция инстанцияси суди юқоридаги ҳолатларга баҳо бермасдан ҳал қилув қарорини асоссиз бекор қилиб, аризани рад этиш ҳақида асоссиз хulosага келган.

Шу сабабли, Олий суд Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2023 йил 14 июлдаги қарори билан апелляция инстанцияси судининг қарори бекор қилиниб, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўз қучида қолдирилган.

5-1101-2206/2886-сонли иш

Солик кодекси 462-моддасининг ўн бешинчи қисмида солик тўловчи қўшимча қиймат солиги тўловчиси сифатида эътироф этилиш пайти белгиланган бўлиб, ушбу нормани нотўғри талқин қилиш моддий ҳуқуқ нормасини бузиш сифатида суд қарорини бекор қилишга асос ҳисобланади.

Самарқанд вилоят маъмурий суди апелляция инстанциясининг 2023 йил 11 апрелдаги қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган Самарқанд туманлараро маъмурий судининг 2023 йил 27 февралдаги ҳал қилув қарорига кўра, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят бошқармасининг “М” Масъулияти чекланган жамияти манфаатида Самарқанд вилоят давлат солик бошқармасининг 2022 йил 15 августдаги, 2022 йил 9 сентябрдаги ва 2022 йил 12 сентябрдаги қарорларини ҳақиқий эмас деб топиш ва жавобгарга қўшилган қиймат солиги учун гувоҳномани мурожаат қилган вақтдан бошлаб ҳисоблаш мажбуриятини юклаш ҳақидаги аризаси қаноатлантирилган.

Аниқланишича, “М” Масъулияти чекланган жамияти Самарқанд вилоят давлат солиқ бошқармасига қўшимча қиймат солиғи тўловчиси сифатида ихтиёрий тартибда маҳсус рўйхатдан ўтиш ҳақида бир неча маротаба мурожаат қилган, лекин барча мурожаатлари юридик шахснинг бино ижара шартномаси ёки ундан текин фойдаланаётганлиги soliq.uz тизими орқали рўйхатдан ўтмаганлиги ва корхона солиқ хавфининг юқори даражасига эга солиқ тўловчилар гуруҳига киритилганлиги сабабли рад этилган.

Кейинчалик, Самарқанд вилоят давлат солиқ бошқармаси томонидан 2022 йил 12 октябрда автоматлаштирилган тизим таҳлили яқуни билан Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товарларни олиб кириш (импорт) амалга оширилганлиги сабабли “М” Масъулияти чекланган жамияти 2022 йил 11 октябрдан қўшимча қиймат солиғи тўловчиси ҳисобланиши маълум қилинган.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят бошқармаси аризачининг манфаатида юқоридаги ариза билан судга мурожаат қилган.

Судлар “М” Масъулияти чекланган жамияти билан “С” LTD ўрталарида 2022 йил 15 августда 2-сонли импорт шартномаси имзолангандигини инобатга олиб, Солиқ кодекси 461-моддаси иккинчи қисмининг 1-банди ҳамда 462-моддасининг ўн бешинчи қисмидан келиб чиқиб, аризани қаноатлантирган.

Бироқ, Солиқ кодексининг 461-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш даврида бизнес учун қулай шарт шароитлар яратиш чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2022 йил 28 июндаги ПФ-162-сонли Фармонининг 3-банди ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 сентябрдаги 595-сонли Қарори билан тасдиқланган “Қўшилган қиймат солиғи тўловчиларини солиқ органларида қўшилган қиймат солиғи бўйича маҳсус рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 9-бандига мувофиқ, қўшимча қиймат солиғи бўйича маҳсус рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома солиқ тўловчига божхона чегараси орқали товарларни олиб киришни амалга ошириш чоғида солиқ хавфи даражасига аниқлик киритилмасдан туриб автоматик равища берилади.

Шунга қўра, Самарқанд вилоят давлат солиқ бошқармаси томонидан 2022 йил 12 октябрда автоматлаштирилган тизим таҳлили яқуни билан “М” Масъулияти чекланган жамияти Ўзбекистон Республикаси божхона чегараси орқали товарларни олиб кириш (импорт) амалга оширилганлиги сабабли 2022 йил 11 октябрдан қўшимча қиймат солиғи тўловчи ҳисобланиб, гувоҳнома берилган.

Биринчи ва апелляция инстанцияси судлари Солиқ кодекси 462-моддасининг ўн бешинчи қисмини нотўғри талқин қилиб, аризани қаноатлантирган, чунки қайд этилган Низомнинг 9-бандида Солиқ кодексининг ушбу нормаси назарда тутилмаган.

Шунингдек, Солиқ кодексининг мазкур нормаси қўшимча қиймат солиғини ҳисобга олиш ҳуқуқини тасдиқловчи гувоҳнома беришни эмас, балки солиқ тўловчининг қўшимча қиймат солиғи бўйича маҳсус рўйхатдан ўтган ёки ўтмаганлигидан қатъий назар қўшимча қиймат солиғи тўловчиси сифатида эътироф этилиш пайтини белгилайди.

Бундай ҳолатда, ушбу норма солиқ тўловчи қўшимча қиймат солиғи тўловчиси сифатида ихтиёрий тартибда маҳсус рўйхатдан ўтишга оид тартибга нисбатан татбиқ этилмайди.

Шу сабабли, Олий суд Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2023 йил 5 июлдаги қарори билан суд қарорлари бекор қилиниб, аризани қаноатлантиришни рад этиш ҳақида янги қарор қабул қилинган.

5-1401-2303/116-сонли иш

**Маъмурий ишлар бўйича
судлов ҳайъати**